*Ватан севмак иймондандур!*

# Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

*Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси*

Нархи: 10 сўм.

1993 йил 13 июль, сешанба № 129 (21.480).

*• Тадбиркорлар ҳузурида*

## ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

### УРГУТ ТУМАНИДАГИ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДА ҚИШЛОҚ САНОАТИ РИВОЖ ТОПМОҚДА

**Зойир Зиёев дегани янгиликка ўч бўлиб чиқди. Йўқ, у ўзини кўрсатмоқчимас, ёшлигидан шунга ўрганган. Хўжаликда партия ташкилотининг котиби бўлиб ишлаганида ҳам қизиқарли, жонли тадбирларни тез-тез ўтказиб турарди. Тажрибаси туманда, ҳатто вилоятда маъқулланганди. Деҳқонлар орасида «раис беш йил ичида колхозни шаҳарчага айлантирармиш» деган гап чиқди.**

— Йиллар давомида олдимизга гектаридан фалон центнердан ҳосил оласан, деб режа қўйишган. Биз эса ўша режани ўйлаб, маҳсулотни қайта ишлаш ҳақида бош қотирмаганмиз, — дейди Зойир ака куюнчаклик билан. — Хом ашёни вагонлаб марказга жўнатаверганмиз. Ваҳоланки, уларни ўзимизда ҳам қайта ишласак бўларди. Қишлоқ хўжалигини саноат асосида қайта қуриш халқ турмушини кўтаришнинг муҳим омили. Хўжаликда корхоналарни кўпайтириш учун елиб-югуришимизнинг боиси ҳам шунда.

Бу ерда ишни дастлаб халқнинг минг йиллик анъаналарини тиклашдан, аниқроғи, кулолчилик цехи қуришдан бошлашди. Қишлоқнинг 4—5 та уддабурон йигитлари Наманганда шу соҳа бўйича ўқиб келишди. Кейин рўзғорбоп идиш-товоқлар ва бошқа буюмлар ясашга киришдилар. Маҳсулот асосан хўжалик деҳқонлари учун арзон нархда сотилди.

Ўтган йилнинг кузида, ғарқ пишиқчилик пайтида апил-тапил мева шарбати тайёрлайдиган ярим автомат цех қуриб олишди. Мавсум охиригача 40 минг шартли банка шарбат тайёрлаб қўйишди. Цех атрофида 300 гектарлиқ боғ ҳам барпо этилди. Насиб этса бу йил цехдан бир ярим миллион банка маҳсулот чиқади. Бундай ўйлаб қараша, банка қурғурни топиш қийин экан. Шу сабаб энди елим идишларда шарбатнинг бошқа турларини тайёрлаш устида бош қотиришаяпти.

Дарвоқе, елим идишлар яқинда иш бошлаган сут заводида ҳам ишлатилаверади. Бу ерда суткасига уч тонна сут қайта ишланади.

Тегишли мосламалар қурилгач, корхонада 6 хил маҳсулот ишлаб чиқарилади. Қўшни хўжаликларда етиштирилган сут ҳам шу ерга келтирилади. Ортиқча сарф харажаатга ўрин қолмайди.

Қишлоқда қад кўтарган корхоналардан яна бири охак цехидир. Унда бир кечаю кундузда 4 тоннагача охак пиширилмоқда. Бу танқис қурилиш ашёси хўжаликка қарийб текинга тушаётир. Цехнинг яқинида ғишт заводи қурилаяпти. Кузга бориб у ҳам маҳсулот бера бошлайди.

Қўлдан берганга қуш тўймас, деганлари рост. Халқ меҳнати фаровонликнинг манбаидир. Кенагас, Баҳрин, Жағалбойли, Қўрғонча, Пастқишлоқ, Ёнақишлоқ, Равот, Қорабулоқда 1,5 минг хўжалик бор. Ҳар битта қишлоқда камида 4—5 минг бошдан қорамол бор. Жамоа хўжалиги аъзолари сони эса 8.200 нафар... Айтгандай, аҳоли ёғ излаб овора бўлмайди. Марказда тегирмон ва жувоз ишлаб турибди. 15 гектар майдонга зиғир, 600 гектарга эса буғдой экилган. Худо хоҳласа, омборлар донга тўлиб кетади.

Асосий даромад манбаи — тамакичилик. Ўтган йили қурилган тамаки ферментлаш цехи жонларига оро кирди. Бир мавсумда у ўз харажатини қоплади. Режадан ташқари етиштирилган ҳосилни шу ерда қайта ишлашди. Аслида юқорида айтилган барча ишлар ана шундан келган даромад ҳисобига қилинмоқда. Бу йил насиб этса минг тоннага яқин тамаки ферментация қилинади.

З. Зиёев қишлоқда халқ таълими сифатини оширишга киришган фидойилардан биридир. Хўжалик ҳудудида 4 та ўрта ва битта саккиз йиллик мактаб ишлаб турибди. Ҳар битта мактабга деҳқончилик учун ярим гектардан ер ажратилган. Халқ таълими раисининг ўринбосари, Халқ демократик партияси бошланғич ташкилоти котиби Жамол Камолов зиммасига юклатилган. Хўжалик бошқаруви аълочи ўқувчиларга доимий стипендия ташкил этди. Ҳар ой якунида махсус комиссия энг яхши ўқувчи ва ўқитувчиларни аниқлайди. Стипендиялар тантанали равишда топширилади. Хўжаликда сентябрь ойида лицей очилиши кўзда тутиляпти. Айтгандай, Зойир ака Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

Раис бизни Самарқанд — Китоб йўли ёқасида — Кенагас қишлоғида қад кўтарган Навоий хиёбонига олиб борди.

— Бу ердан Буюк ипак йўли ўтган. Эҳтимол Навоий бобомиз ҳам шу ерлардан юргандирлар. Аллома ҳайкали ўрнатилган мана бу тепалик яна бир-икки йилда жаннатга айланади. Пастдаги иккита ҳовузни Фарҳод ва Ширин деб атаганмиз. Улуғларнинг руҳи қўлласа дейман...

Бир пас тин олгач, яна қўшиб қўйди.

— Насиб этса йил охиригача барча хонадонларга табиий газ олиб кирамиз. Мактабларда бу иш аллақачон амалга оширилган. Ўшанда келасизлар, катта тўй қиламиз...

**Фармон ТОШЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**




## ЎЗБЕК АЁЛИ — ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ

**«Малика Абдусаматовна!**

**Сиз билан танишганимдан ғоят мамнун бўлдим. Сиз бошлиқ патология, ненотол патология, перенотал ўлим борасида олиб борилган тадқиқотларингиз натижалари бугун жуда катта аҳамият касб этади. Бу хулосаларингиз ҳудудингизда болалар ўлимини камайтириш ишида ғоят муҳимдир. Ўйлайманки, Соғлиқни сақлаш вазирлигингиз бу ишларингизни муносиб баҳолайди».**

**проф. Видиосагар М. Д. Чикаго Илинойс дорилфунуни неонатология бўлими директори.**

Унинг номига бундай мактублар ер куррасининг турли бурчакларидан келиб туради. Америка телевидениеси, кўпчилик чет мамлакатлар нашрлари унинг фаолияти, илмий ишлари аҳамиятини ёритиб улгурган. Олмонлар уни алоҳида фильм орқали элга танитдилар.

Малика Абдуллахўжаева Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги патологик анатомия марказининг мудири, болалар, оналар ўлими сабаблари, уларнинг олдини олиш, камайтириш соҳасида ўнлаб рисолалар муаллифи. Докторлик ишини 34 ёшида ёқлаган. Бугунги кунда 68 нафар фан номзоди, 8 фан доктори тайёрлаган. Унинг издошлари нафақат жумҳуриятимиз ва МДҲ мамлакатларида, балки Америка Қўшма Штатлари, Ҳиндистон, Миср, Шимолий Корея каби ўнлаб чет мамлакатларда соғлиқни сақлаш борасида хизмат қилишаётир. Чет элда бир неча китоблари чоп этилган.

— Ушбу марказнинг бунёд этилиши учун ўн йилга яқин вақт кетди, — дейди Малика опа. — Бугун у дунёда ягона бўлган муассасадир.

Кўпинча болалар ва оналар ўлимини биз камқонликкагина йўямиз. Тадқиқотлардан маълум бўляптики, бу фикр нотўғри. Болаларнинг ҳар қандай жиҳатдан тарбияси аслида онанинг ҳомиласи бўлган кунидан бошланади. Шундай хулосага келиняптики, онанинг қаттиқ ҳафа бўлиши, кўп ўйланиши натижасида бола ҳомилалигидаёқ касал бўлиб қолиши мумкин. Ҳатто юрак хасталикларига ҳам чалиниши ҳоллари кўп кузатилади. Америкада, ривожланган бошқа мамлакатларда бундай ҳолларда бола ҳали онасининг қорнидалигидаёқ жарроҳлик операцияси орқали доволанади ва соғлом дунёга келади.

У 1985 йилда Чернобиль атом станциясидаги фожиадан сўнг Америка Қўшма Штатларида аёлларнинг тинчлик учун ва зўравонликка қарши кураш халқаро конгрессида қатнашди. Бир неча шаҳарлар ўртасидаги телекўприкда унинг инглиз тилида ўнлаб саволларга берган бурро-бурро жавобларидан маҳаллий халқ лол қолганди ўшанда!

Қаерда бўлмасин Малика опа ер юзида тинчликни сақлаш учун курашди. Шу боис ҳам ўзбек аёлига АҚШнинг Калифорния штати Фресно шаҳри ҳокими «Фресно шаҳри фахрий фуқароси» унвонини берди.

**Ҳусан ЭРМАТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**СУРАТДА: М. Абдуллахўжаева ва унга АҚШда тақдим этилган «Фахрий фуқаро» гувоҳномаси.**
**Р. ШАМСУДДИНОВ олган сурат.**

## ТАҲРИРИЯТДА УЧРАШУВ

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов «Ўзбекистон овози» газетаси ижодий ходимлари билан учрашди. Мулоқотда партия газетаси журналистларининг навбатдаги вазифалари, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллигига тайёргарликни ёритиш билан боғлиқ масалалар ҳақида сўз юритилди. М. М. Расулов бу вазифаларни амалга оширишда партия раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг демократик давлат қуриш йўлидаги беш тамойили, кейинги пайтларда чоп этилган дастурий рисолалари муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлади. У таҳририятнинг собиқ раҳбарияти йўл қўйган хато ва камчиликларни кўрсатиб ўтди. Газета саҳифаларида ёритилаётган жиноятчиликка қарши кураш мавзуси кейинги пайтларда сусайганлиги айтилди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкурасини яратиш борасида ҳам рўзноманинг ўрни уқтирилди.

Газетанинг долзарб вазифаларидан бири партия ташкилотларида тўпланган тажрибаларни кенг ёйиш, мустақилликни мустаҳкамлаш учун фидокор кадрларни тарбиялашда партиянинг ўрнини ёритиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ижросига халақит бераётган айрим раҳбар шахсларни қатъийлик билан танқид қилиш зарур деган фикр алоҳида таъкидланди. Журналистлар олдига танқидий чиқишларнинг таъсирчанлигини ошириш юзасидан аниқ вазифалар қўйди. Биринчи котиб ижодий ходимларни республика Президентининг ички ва ташқи сиёсатини халқимизга янада чуқурроқ тушунтиришга даъват этди.

Учрашувда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг иккинчи котиби М. Қирғизбоев, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг етакчи маслаҳатчиси О. Матчонов қатнашдилар.

## ЯНГИ БОШ МУҲАРРИР



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири лавозимига Азимбой Алимович Суюнов (Азим Суюн)ни тасдиқлади.

А. Суюн 1948 йилда Нурота туманида туғилган. Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика факультетини тугатган. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир, Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида адабий маслаҳатчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб, «Халқ сўзи» газетасида бўлим мудири вазифаларида ишлаган. Адиб сифатида ўнлаб шеърий китоблари чоп этилган.

Ҳамкасбимиз Азим Суюнга янги лавозимда муваффақиятлар тилаймиз.

## СОВҒАЛАР УЛАШИЛДИ

**● Навбаҳор район ҳокимлиги ва ХДП район кенгаши ташаббуси билан мажруҳ ёшларга махсус ғилдиракли аравачалар бепул улашилди.**

Ушбу аравачалар учун маблағни район «Наврўз» хайрия жамғармаси ажратди. Шуниси диққатга сазоворки, касаллик туфайли тўшакка ётиб қолган ногиронлар энди бемалол ўз аравачаларида сайр қилишиб, кўнгил чигилини ёзишади. Район ҳокимлиги ва партия кенгаши нафақат ногиронларга аравачалар улашиш, балки қаровчиси, боқувчиси бўлмаган оилаларга бошқа турдаги совғалар улашишни ҳам одатга айлантиришган.

**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ИШБИЛАРМОНЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИ

**НАВОИЙ. («Ўзбекистон овози» мухбиридан телефон орқали).** Бу ерда вилоят ишбилармонларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда вилоят кичик ва қўшма корхоналари раҳбарлари, ҳамкорликдаги фирма ва ассоциациялар директорлари таниқли ишбилармон ва тижоратчилар иштирок этди. Семинар-кенгашни вилоят ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати А. А. Айдарқулов очди ҳамда Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг иқтисодийислоҳотни кучайтириш йўлидаги амалий фаолияти муносабати билан ўзаро ташқи савдо воситачилик ишларини мустаҳкамлашда вилоят ишбилармонларининг галдаги вазифалари хусусида маъруза қилди.

Семинарда асосан тадбиркорлик, ишбилармонлик ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришдаги мавжуд муаммолар борасида ўзаро фикрлар алмашилди. К. Аҳмедов, Х. Рустамов, С. Камилков сингари кичик ва қўшма корхоналар раҳбарлари, шунингдек, бошқа ишбилармонлар ташқи иқтисодий алоқаларни кучайтириш, вилоятда брокерлик, бизнес менежерлик ҳаракатларини кенг қулоч ёйдириш борасида тўпланган тажрибани ўзаро ўртоқлашдилар. Семинар-кенгашда шунингдек, «Согда», «Агрома», «Мастер», «Гамма Телеколадж» кичик ва қўшма корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Семинар-кенгаш ишида Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Б. Рўзиев иштирок этди.

**М. ШАРОПОВ.**

## ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

Қашқадарё вилояти партия кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ватанпарварлик ва байналмилаллик ғояларини тарғиб қилиш ҳамда ҳаётга жорий этиш соҳасида Ўзбекистон ХДП партияси вилоят ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бу ҳақда ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов маърузаси тингланди.

Партия вилоят кенгаши пленумида ташкилий масала ҳам кўрилди. Ўртоқ П. С. Бердиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ХДП вилоят кенгаши иккинчи котиби ва ижроия бюро аъзолиги вазифаларидан озод этилди. Илгари партия Касби район кенгашининг биринчи котиби бўлиб ишлаб келган А. Жабборов ХДП вилоят кенгашининг иккинчи котиби ва ижроия бюро аъзоси қилиб сайланди.

Пленум ишида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. Каримов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши партиявий ташкилий ишлар бўлими масъул ходими Б. Казбеков, вилоят ҳокими ўринбосарлари иштирок этдилар.

**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## КИРОЙИ РАҲБАР ШУНДАЙ БЎЛСА

**● Шерободдаги Хўжаикон туз конида янги корхона ишга тушди. Завод қурилишига Сурхондарё саноат-савдо концернининг раиси Турсунпўлат Салоҳиддинов бош-қош бўлди.**

Салоҳиддинов — изланувчан раҳбар. У изланишнинг осон йўлидан бормайди. Масалан, ғояни, технологияни «ўғирлаш»ни ёмон кўради.

Ўзимиз ҳам китоб кўрган одамлармиз, ўзимиз ўрганайлик, яратайлик, нуқул чет эл тажрибаларига суяниб қолсак, ялқовлигимиз ошиб кетади, дейди.

Салоҳиддиновга ғоя тортки бўлиб, масалан, қўлбола усулда бултур 10 минг 500 тонна ош тузи ишлаб чиқарилди. Кейин бу усулни такомиллаштирдилар. У ўзича янгича ишлаб чиқариш техникавий йўриқ (линия)ни таклиф қилди. Ускуналар қайта таъмирланди, мослаштирилди. Қарабсизки, бир йил ўтиб-ўтмай, йилига 50 минг тонна ош тузи тайёрлайдиган завод тайёр бўлди-қўйди.

Заводнинг очилиш маросимини жамоа тантана билан нишонлаган бўлса-да изланишларни тўхтатгани йўқ.

— Мақсадимиз бир-икки йил ичида республиканинг ош тузига бўлган эҳтиёжини қондиришдир, — дейди Салоҳиддинов. Бунинг учун энди хорижий ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлик лозим бўлиб қолди. Айни замонда ишлаб чиқаришнинг шерободча йўриғини ҳам такомиллаштириб борамиз.

**О. УСАНОВ.**

*• Ёнилғи ресурслари — бебаҳо бойлик*

## ТОМЧИСИ ТИЛЛОГА ТЕНГ

**Рўзномамизнинг шу йил 55-сонида «Тежамкорлик мустақиллигимиз дармони» рукни остида Ўзбекистон давлат нефть маҳсулотлари акционерлик жамиятининг республикамиздаги барча вазирликлар, концернлар, идоралар, ташкилот ва хўжаликларга қарата мурожаатномаси эълон қилинган эди. Айтиш керакки, мурожаатнома кўпчилик муштарийларни мулоҳазага чорлади. Ушбу долзарб муаммо хусусида турли хил фикрлар билдириляпти. Қуйида ана шулардан бири билан танишасиз.**

Мурожаатномада таъкидланганидек, ёнилғи билан ишлайдиган ҳар бир машина ва тракторлар кунига 0,5 литрдан иқтисод қилса, республика бўйича қарийб 1 миллион литр ёнилғи тежалар экан. Бундай тежамкорликни амалга ошириш учун аввало хўжалик, корхона ҳамда ташкилотларда тушунтириш ишлари олиб бориш керак. Бунинг учун ҳар бир ҳайдовчи, механизаторни муайян ишни бажариши учун нормада белгиланганидан ортиқ тежаб қолган ёнилғи, мойлаш материаллари ҳисобидан рағбатлантириб бориш керак. Аксинча, белгиланганидан зиёд ёнилғи сарфлаганлардан зарарни ундириш чорасини қўллаш лозим. Бу тежамкорликнинг муҳим омили бўла олади. Шундай қилинса, нефть маҳсулотларидан фойдаланишда ижрочиларнинг масъулиятсизлигига чек қўйилган бўлар эди.

Бундан ташқари, машина-механизмлар техник ҳолати ҳам нефть маҳсулотлари тежалишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун юқорида қайд этилганидек, тежамкорлик манфаатидан фақат ҳайдовчи ва механизаторларгина эмас, балки шу соҳадаги инженер-техник ходимлар ҳам манфаатдор бўлса, самара салмоғи яна ҳам ортарди.

Қимматбаҳо ёнилғини тежашнинг яна бир усули бензин ўрнига газ билан ишлайдиган автомашиналарни кўпайтиришдир. Афсуски, бу масалага деярли эътибор берилмаяпти. Яъни бир томондан жойлардаги газ тўлдирувчи станциялар етарли эмаслиги бўлса, иккинчидан, газ баллонлари етишмаслиги, газни меъёрлаб берадиган қурилмалар билан таъминлаш оқсаётганидир.

Нефть маҳсулотларини тежашнинг яна бир йўли бор. У ҳам бўлса, қишлоқ хўжалигида суғориш эҳтиёжи учун ишлатилаётган насослар ёнилғини кўп истеъмол қилаётганидир. Масалан, СИП маркали насос бир кеча-кундузда 400 литр дизель ёнилғиси сарфлайди. Шу сувдан фойдаланиб, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг таннархи қанча бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Шунинг учун бундай насосларни электр қуввати билан ишлайдиганига алмаштириш жоиз.

Яна бир муаммо. Айрим хўжаликларда 60—70 фоиз тракторлар акумуляторсиз юради. Бу, иложсиз ортиқча харажатга йўл қўйишдир. Бундан ташқари, тракторга тиркаладиган мосламаларни ҳам тракторнинг қувватига қараб қўйиш керак. Айрим ҳолларда ғилдиракли трактор тортадиган механизмни занжирли тракторга улашади. Бу ҳам кўп ёнилғи беҳудага исроф бўлишига олиб келади.

Хуллас, ҳозирги оғир шароитда томчиси тиллога тенг нефть маҳсулотларини нестнобуд қилмай, тежаб-тергаб фойдаланиш нақадар зарурлигини ҳис этган ҳолда тегишли тадбирларни амалга оширишимиз зарур.

**А. ИЛАШЕВ.**
**Сирдарё вилояти.**

## ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

Фарғона вилояти ғаллакорлари йиллик режани уддалади. Об-ҳаво инжиқлигига қарамай, мўлжалдаги 31 минг тонна ўрнига 37 минг тонна ғалла топширилди. Ушбу ғалабада Фурқат, Охунбобоев, Қува, Олтиариқ, Бағдод туманлари деҳқонларининг улуши салмоқли бўлди.

Фарғоналиклар Президентимизнинг республика ғалла мустақиллигига эришиш ҳақидаги кўрсатмаларига амал қилиб, дон етиштириладиган майдонларни 20 фоиз кенгайтирдилар. Маҳсулот сифатига алоҳида эътибор берилди. Ўрим-йиғим қулай муддатларда ўтказилди. Ғалладан бўшаган ерларга маккажўхори, сабзавот, картошка ва бошқа экинлар экилаётир.

### БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ТАВАЛЛУДИНИНГ 675 ЙИЛЛИГИГА

## НАҚШБАНДИЯ ВА ЗАМОН

**● Бухоро енгил ва озиқ-овқат саноати технологияси институтида шу мавзуда илмий анжуман ўтказилди. Унинг ташаббускорлари институт тарих ва фалсафа кафедралари ҳамда вилоят маънавий маданият тарғиботи маркази олимлари бўлишди.**

Илмий анжуманда эшитилган маҳаллий олимларнинг нақшбандийлик тарихини ўрганиш муаммолари, тариқатнинг фалсафий моҳияти, буюк аллома тўғрисидаги ҳақиқат ва ривоятлар, Ислом ва нақшбандия тариқати мавзуларидаги маърузалари кўпчиликда чуқур таассурот қолдирди.

Бундай тадбирларни бошқа олий таълим ўқув юртларида ҳам ўтказиш режалаштирилмоқда.

**Нусратилла НАИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

